O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№



# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: info@xs.uz ● 2007 йил 2 май, № 85 (4238) Чоршанба

## АВТОМОБИЛСОЗЛИККА ОИД ЯНГИ ЛОЙИҲАЛАР МУҲОКАМАСИ

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 1 май куни Оқсаройда General Motors-DAEWOO Auto and Technology (GMDAT) компанияси президенти Майкл Гримальдини қабул қилди.***



— Ўзбекистонга ушбу ташрифингиз мамлакатимиз автомобилсозлик саноати билан яқиндан танишиш, ўзаро ҳамкорликка доир масалалар юзасидан фикр алмашиш учун яхши имкониятдир, — деди Ислом Каримов.

GMDAT 2002 йилда General Motors корпорацияси томонидан Корея Республикасининг DAEWOO Motors компанияси заводлари сотиб олиниши натижасида ташкил топган. DAEWOO Motors эса Ўзбекистонда ишлаб чиқаришнинг янги соҳаси — автомобилсозликни ўзлаштиришда муҳим ўрин тутган. Унинг сармояси иштирокида Андижон вилоятининг Асака шаҳрида "ЎзДЭУавто" қўшма корхонаси ташкил этилди ва 1996 йилдан буён ҳар йили бир неча турдаги ўн минглаб енгил автомобиль ишлаб чиқарилмоқда.

Марказий Осиёда ягона бўлган ушбу завод энг илғор технологик ускуналар, ноёб техника билан жиҳозланган. Унинг маҳсулотлари нисбатан арзонлиги, қулайлиги, замонавий техник талабларга жавоб бериши билан наинки юртимизда, балки хорижда ҳам жуда харидоргир.

Асакадаги корхонадан дастлаб "Нексия", "Тико", "Дамас" автомобиллари чиққан бўлса, кейинчалик улар сафига "Матиз" қўшилди. Бугунги кунда "ЎзДЭУавто" ўз мижозларига янада замонавий автомобиль – "Ласетти"-ни ҳам таклиф қилмоқда. Корхонада ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш изчил давом этмоқда. Жорий йил охиригача бу борадаги кўрсаткични 60 фоизга етказиш мўлжалланган.

"ЎзДЭУавто"нинг мамлакатимиз иқтисодиёти ривожига қўшаётган ҳиссаси катта. Корхона ҳар йили ички бозорга қарийб 60 минг, ташқи бозорга эса салкам 80 минг автомобиль чиқаради. Хусусан, сўнгги йилларда Ўзбекистон автомобиллари Россияда энг кўп сотиладиган хориж автомобиллари сафидан мунтазам жой олмоқда. Корхона 2008 йилдан тўла қувват билан ишлашга ўтади, бу йилига 200 минг дона автомобиль ишлаб чиқариш имконини беради.

Заводнинг ижтимоий аҳамияти ҳам катта – мамлакатимизнинг аҳоли энг зич яшайдиган вилоятида минглаб одамлар иш билан таъминланди. Ўтган йиллар давомида корхонада юксак малака ва чуқур билимга эга, юқори технологияли ускуналар билан бемалол "тиллаша" оладиган меҳнат жамоаси шаклланди. Бошқача айтганда, "ЎзДЭУавто" Ўзбекистон улкан имкониятлар мамлакати эканлигини, халқимизнинг бекиёс бунёдкорлик салоҳиятини тўла намоён этган замонавий корхоналардан биридир.

GMDAT компанияси DAEWOO Motorsнинг кўплаб хорижий ҳамкорлари билан алоқаларни давом эттирмоқда. Унинг маҳсулотлари дунёнинг қарийб 150 мамлакатида сотилади. 2006 йилда GMDAT Жанубий Кореядаги энг жадал ривожланаётган автомобилсозлик компанияси сифатида эътироф этилди. Мамлакатда саноатнинг бу турида умумий ўсиш 3 фоизни ташкил этган бўлса, GMDATда 32 фоизлик кўрсаткич қайд қилинди. У 2005 йилда 1,050 миллион, 2006 йилда 1,397 миллион дона автомобиль экспорт қилди (ички бозор учун — 100 мингдан зиёд). 2007 йилда бу кўрсаткични 1,726 миллионга етказиш режалаштирилган.

Оқсаройда бўлган учрашувда Майкл Гримальди GMDAT компанияси ўзбекистонлик шериклари билан ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтиришдан манфаатдор эканлигини таъкидлади. Самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдирди.

Музокарада "ЎзДЭУавто" акциядорлик жамияти билан GMDAT ўртасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш, биргаликда янги лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш имкониятларига доир масалалар муҳокама қилинди.

**(ЎзА).**

**СУРАТДА: қабул пайти.**
**Абдувоҳид ТЎРАЕВ олган сурат.**

## ҚУТЛУҒ ҚАДАМЖОЛАР ЮРТИ

*Пойтахтимиз кундан-кунга кўркамлашиб бормоқда. Ўтган ҳафтада Юртбошимиз Ҳазрати Имом (Ҳастимом) мажмуасига ташриф буюриб, у ерда амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишди.*



— Давлатимиз раҳбарининг ушбу ташрифи қўли гул усталару моҳир қурувчиларга катта ғайрат-шижоат бағишлади, — дейди Собир Раҳимов тумани ҳокими Бахтиёр Ҳакимов. — Ҳозир мен сизга бир йигитни таништираман. У ҳар бир устаю қурувчини беш қўлдай билади. Ҳар бир ғиштни қаердан олиб, қаерга қўйишгача, ҳатто бугун тушликда нима еб, нима ичишимизгача айтиб беради.

Бир зумда олдимизда ўрта бўйли, қотмагина, буғдойранг юзли, қирқ ёшлардаги йигит пайдо бўлди. У Ҳастимомдаги бутун қурилиш-таъмирлаш ишларининг билимдони ва бошлиғи Қодир Қурбонбоев экан.

Биз Қодир билан мажмуадаги энг катта — бир пайтнинг ўзида бир неча минг киши намоз ўқийдиган масжид қурилиши томон йўл олдик. Меҳнат кўтаринкилиги авжида. Бир ярим минг кишининг ичида бирортаси бекор эмас. Бино деворлари, миноралар, ўнг ва чап қанот заллар, гумбазлар тезкорлик билан қад ростламоқда. Чап қанотда шифтга сайқал бериш бошланибди.

— Усталар қаердан? — сўрайман Қодирдан.

— «Уста» бирлашмасидан, Абдураҳим аканинг одамлари.

(Давоми 2-бетда).

### Олий Мажлис Сенатида

***«Энергия ресурслари тежамкорлиги: янги технологиялар, қонунчиликни такомиллаштириш, энергия тежамкорлигини рағбатлантириш ва унинг истиқболлари». Тошкент вилоятининг Чирчиқ шаҳрида Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитаси томонидан айнан шу мавзуда давра суҳбати ташкил этилди. Унда сенаторлар билан бир қаторда манфаатдор ташкилотлар раҳбарлари ҳам қатнашдилар.***

## ТЕЖАГАН РАҒБАТ ТОПАР

Муҳокама жараёнида саховатли заминимиз иссиқлик энергияси ресурсларига беҳад бойлиги алоҳида таъкидланди. Ўзбекистон унинг захираси, қазиб олиш ва ишлаб чиқариш имкониятлари жиҳатидан жаҳонда етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Аммо биз уларга битмас-туганмас бойлик сифатида қарашимиз ҳам мумкин эмас. Ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланиш ҳамиша долзарб масала бўлиб қолаверади. Президентимиз Вазирлар Маҳкамасининг йил якунларига бағишланган мажлисидаги маърузасида саноатда ва иқтисодиётнинг бошқа соҳаларида энергия ресурсларидан тежамкорлик билан фойдаланиш заруриятига алоҳида эътибор қаратдилар.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Энергетика ва автоматлаштириш институти раҳбари вазифасини бажарувчи У. Одамов энергия тежамкорлиги бўйича истиқболда турган вазифалар ҳақида гапирар экан, давра суҳбати иштирокчиларини тармоқлар бўйича энергия ресурсларидан фойдаланишнинг батафсил манзараси билан таништирди. Унинг айтишича, айниқса, энергия энг кўп даражада сарфланадиган жойларда тежамкорликни кучайтириш алоҳида аҳамият касб этади.

— Маълумки, электр энергиясини ишлаб чиқариш жуда катта миқдорда ёнилғи сарфланишини талаб этади, — деди «Ўзбекэнерго» ДАК бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари Б.Абдураҳмонов «Энергиядан оқилона фойдаланиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг бажарилиши ҳақида ахборот берар экан. — 1 киловатт соат электр энергиясини ишлаб чиқариш учун 300 граммдан кўпроқ шартли ёқилғи сарфланади. Айни пайтда мамлакатимиз саноатида фақат бир фоиз миқдоридаги электр энергияни тежаш 60 минг тоннадан кўпроқ миқдордаги шартли ёқилғини ёки 53 млн. куб метр табиий газни халқ хўжалигидаги бошқа эҳтиёжлар учун сақлаб қолиш имконини беради.

(Давоми 2-бетда).

## ЮКСАК ЧЎҚҚИЛАРНИ ЗАБТ ЭТИБ

*Мана, неча кундирки, жаҳон боксининг чўққисида Ўзбекистон байроғи ҳилпирамоқда. Ўзбек халқининг муносиб фарзанди — Руслан Чагаев ғалабаси ҳар биримизнинг қалбимизда ғурур ва ифтихор уйғотди. Ушбу воқеага икки ҳафтадан зиёд вақт ўтганига қарамай, юртдошларимиз, қаерда бўлмасин, ушбу қувончли онларни ҳамон қайта-қайта ўзгача руҳият билан ёдга олишиб, Ватанининг шаънини кўкларга кўтарган жасур ва мард ўғлон — Русланга тасаннолар айтишаяпти.*

Албатта, ушбу ёрқин ғалаба ҳақида гапирганда, бунинг учун «Оқ Тайсон»га ва унинг мураббийларига қанчалик машаққатли меҳнат қилишга тўғри келганини ҳам унутмаслик лозим. Чунки бирон-бир ютуқни қўлга киритиш, юксак чўққини забт этиш ўз-ўзидан бўлмайди. Бунинг учун мустаҳкам ирода, руҳий тетиклик, мақсад сари қатъий интилиш ва ватанпарварлик талаб этилади.

### Нигоҳ

Яқинда, ҳеч муболағасиз, жаҳон боксининг қироли — Руслан билан бўлган учрашувимизда ҳам турли мавзуларда суҳбатлашдик. Лекин гапимиз аста-секин Ватанга, халққа бўлган муҳаббатга келиб тақалди.

— Очиғи, — дейди янги чемпион, — ушбу жангга тайёрланаётганимда, аввало, буюк аждодлар замини — Ўзбекистон бугун ҳам мард ва жасур инсонлар юрти эканини ва улар ўз Ватанининг довруғини бутун дунёга тарата олишини исботлашни олдимга мақсад қилиб қўйдим. Бинобарин, халқимиз ҳам жисмонан, ҳам маънан қудратли халқ.

Биласизми, беллашувга тайёргарлик кўриш жараёнида ҳам, рингга кўтарилганда ҳам Президентимизнинг менга берган оқ фотиҳаларини доим ёдда тутганим жуда катта мадад бўлди. Бу инсон барча ўзбекистонликларга, спортчиларга оталардек муносабатда бўлади, ҳар биримиз-

(Давоми 2-бетда).

### *Воқеалар, янгиликлар, хабарлар*

## УМИДЛИ НИҲОЛЛАР

***Мамлакатимизда ёш спортчиларни қўллаб-қувватлаш, уларни ҳар томонлама рағбатлантириш мақсадида янги жамғарма ташкил этилди. Бу жамғарма бокснинг ўта оғир вазнда WBA йўналиши бўйича жаҳон чемпиони Руслан Чагаев ҳамда «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ҳамкорлигида тузилди. Шу муносабат билан «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси қошидаги Болалар спорт мажмуида янги жамғарманинг биринчи грантларини эгаларига топшириш маросими бўлиб ўтди.***

Мазкур грантлар мамлакатимиз ва халқаро спорт ареналарида ютуқларга эришиб келаётган 10 нафар ёш спортчига топширилди. Бокс бўйича миллий ва халқаро турнирлар ғолиблари Азамат Абдуҳакимов ва Зоҳид Султонов, ёш курашчилар Элдор Ҳафизов ва Феруз Нусратов, бадиий гимнастика бўйича Ўзбекистон биринчилигининг мутлақ ғолиби Камилла Тўхтаева, бадиий гимнастика бўйича Москвада ўтказилган «Baby Cup — 2007» халқаро турнири жуфтлик мусобақалари ғолиблари Евгения Ларионова ва Имон Азизова, бадиий гимнастика бўйича Ўзбекистон биринчилигининг кумуш медали соҳиби Вероника Есипова, Куала-Лумпур шаҳрида бўлиб ўтган ушу бўйича ўсмирлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида муносиб қатнашган ёш боксчилар Руслан Эргашев ва Ерлан Маирбеков дастлабки ўнта грант эгалари бўлишди.

Ёш спортчиларга грант сертификатларини «Буюк хизматлари учун» ордени соҳиби, бокс бўйича ўта оғир вазнда жаҳон чемпиони Руслан Чагаев топширди.

Бўлажак жаҳон чемпионларини рағбатлантирувчи мазкур жамғарманинг ташкил этилиши жамоатчилик томонидан кенг қўллаб-қувватланди. Айни пайтда жамғармага маблағлар туша бошлади. Бу сармоялар кейинчалик ҳам мамлакатимизда спортни ва

### Ғамхўрлик

ёш спортчиларни қўллаб-қувватлашга сарфланади.

Юртимизда спортни ривожлантириш, уни қўллаб-қувватлаш «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси фаолиятининг асосий йўналишларидан бири саналади. Жумладан, жамғарма Москвада 2004 йилда ўтказилган Бадиий гимнастика бўйича жаҳон чемпионатига ҳомийлик қилди. Шахмат профессионаллари халқаро ассоциацияси президенти Жоэль Лотьенинг Ўзбекистонга ташрифи ва ёш шахматчилар билан учрашуви ҳам жамғарма томонидан рағбатлантирилди. 2005 йилда Тошкентда Болалар спорт мажмуаси ташкил этилиб, бу ерда ёш спортчилар бадиий гимнастика, ушу ва бошқа спорт турлари бўйича етакчи мураббийлар қўл остида тарбиялана бошланди.

Руслан Чагаевнинг жаҳон чемпиони унвони учун финал жангида қўлга киритган тарихий ғалабаси нафақат юртимизда, балки кўпгина мамлакатларда ҳам катта воқеликка айланди. Айнан шу ғалаба муносабати билан «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси Руслан Чагаевга махсус грант ажратди. Ушбу грантни топшириш маросими янги жамғарманинг тақдимоти доирасида бўлиб ўтди.

— Ватанимиз Ўзбекистондан ҳали кўплаб жаҳон чемпионлари чиқади, — деди Руслан Чагаев ёш спортчиларга қарата. — Муҳими, яратилаётган бундай шароитлардан унумли фойдаланилса, бас. Ана шунда сиз, ёшлар спортдаги ғалабаларингиз билан мамлакатимиз довруғини янада кенгроқ таратиб, байроғимизни баланд кўтарасиз.

**Омонулла ЛУТФУЛЛАЕВ.**

***Жиззахда республика Халқ таълими вазирлиги БМТнинг Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ) билан ҳамкорликда икки кунлик семинар ташкил этди.***

### Мактабим — фахрим

**Унда умумтаълим мактаблари ҳақидаги дастурларнинг жойларда қандай ижро этилаётгани масаласи муҳокама қилинди. Шунингдек, унни бойитиш бўйича Миллий дастурнинг болалар соғлиғини асрашдаги аҳамияти хусусида ҳам ўзаро фикр алмашилди. Вилоят мактабларига бойитилган ун ва йодланган тузни тарғиб этувчи кўргазмали қуроллар ҳамда қўлланмалар тарқатилди.**

**Баҳриддин САТТОРОВ, "Халқ сўзи" мухбири.**

## Ҳамкорлик янада кенгаяди

*Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган General Motors-DAEWOO Auto and Technology (GMDAT) компанияси президенти Майкл Гримальди раҳбарлигидаги делегация 1 май куни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, молия вазири Рустам Азимов билан учрашди.*

Мулоқот чоғида «ЎзДЭУавто» акциядорлик жамияти билан GMDAT ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлаш, ҳамкорликда жаҳон андозаларига мос маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, икки томонлама манфаатли лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Бугунги кунда Ўзбекистоннинг автомобиль саноати замонавий технологиялар билан жиҳозланган қатор корхоналарни ўз ичига олади. «ЎзДЭУавто» ишлаб чиқараётган «Ласетти», «Нексия», «Матиз» ва «Дамас» русумли автомобилларга нафақат мамлакатимизда; балки хорижда ҳам талаб катта.

Шу боис корхонада маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми йилдан-йилга ўсмоқда. Хусусан, 2006 йили мазкур акциядорлик жамиятида 140 мингдан зиёд автомобиль ишлаб чиқарилган бўлса, жорий йилда бу рақам 170 мингдан ошиши кутилмоқда. Корхона 2008 йили тўла қувват билан ишлай бошлагач, йилига 200 минг донагача автомобиль ишлаб чиқарилади.

— Ўзбекистонда автомобилсозлик саноати изчил ривожланаётгани ва мамлакатингизнинг ушбу соҳадаги салоҳияти жуда юқори эканлигига яна бир бор ишонч ҳосил қилдим, — деди Майкл Гримальди. — Мазкур ташрифдан мақсадимиз «ЎзДЭУавто» билан ҳамкорликни янада кенгайтиришдан иборат.

(Давоми 2-бетда).

## КУРАШ — ПАН АМЕРИКА ЎЙИНЛАРИДА

■ Миллий қадриятимиз — кураш жаҳонда тобора оммавийлашиб бормоқда. Кеча Кураш халқаро ассоциациясининг Тошкентдаги қароргоҳига Пан Америка минтақавий ўйинлари ташкилий қўмитаси президенти Хорхе Эспанья Ортиздан табрик телеграммаси келди.

Унда айтилишича, Эквадорда ўтказилган ташкилий қўмитанинг навбатдан ташқари йиғилишида курашни Пан Америка минтақавий ўйинларига киритиш таклифи қатнашчилар томонидан бир овоздан маъқулланган. Шундай қилиб, 2009 йилнинг сентябрь ойида Боливия давлатининг Сусер шаҳрида бўлиб ўтадиган Пан Америка минтақавий ўйинлари дастуридан миллий қадриятимиз — кураш ҳам жой олди. Жаноб Хорхе Эспанья Ортиз жаҳон спорт майдонида жадаллик билан ривожланиб бораётган кураш тез орада Олимпия ўйинлари дастурига киришига умид билдирган.

**З. ЖОНИБЕКОВ, "Халқ сўзи" мухбири.**

## ИСТИҚЛОЛНИНГ БУЮК ШАҲРИ

(Давоми. Боши ўтган сонда).



«Шоҳи Зинда» мажмуи мутасаддиларидан бири Умиджон Рустамов ғайрати жўшган йигит. Араб, форс, эски туркий тилларини бекаму кўст билади. Ёзувларни тиклаш ишларида қатнашган. Хусусан, Ширин бика ақо мақбарасида Суқротнинг сўзлари тикланганини эҳтирос билан сўзлаб берди: «Биласизми, ярми ўчиб кетган. Ўргандик, изландик, охири топдик, «Инсон бу дунёда боқий эмаслигини билиб, ўзини машаққатга беради». Нима дейсиз, бу иборага. Шу тарзда жуда кўп сўзларни тиклашга муваффақ бўлдик. Тўғриси, бу ишга эътиборимизни қаратган зот — Президентимиз бўладилар. Қашқадарёда, Соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг 660 йиллик тантаналарида мадраса, мақбараларга битилган сўзларни аслига қайтариш борасида кўрсатмалар берганлар. Ўз-ўзидан мақбара, мадрасалар матншунослиги соҳасига асос солинди.

Шоҳизинданинг ҳар бир мақбараси заргарона маҳорат билан таъмирланганидан ташқари, ундаги ҳар бир битик тўлиқ тикланган. Шоҳизинданинг гултожи — Қусам ибн Аббос мақбараси ва масжиди ҳайратомуз тарзга келтирилган.

Давроқе, зиналар. Улар қирқтами, ўттиз олтитами. Ҳамма вақт ҳар хил. Чиққанингда кўпдай, тушганингда камайгандай. Шарафли руҳлар қошига машаққат билан чиқасан, қайтганда баракотлар топиб, енгилгина, масофа қисқариб тушасан.

(Давоми 6-бетда).

# МАМЛАКАТ бўйлаб

## Рақобатбардош маҳсулотлар



Қувасой нафақат Фарғона вилоятида, балки мамлакатимизда ҳам саноати ривожланган шаҳар сифатида ном қозонган. Албатта, бунда "Кварц" акциядорлик жамиятининг ҳам ўз ўрни бор. Зеро, бу ерда ишлаб чиқарилаётган салкам 40 турдаги маҳсулотлар сифати ва бежиримлиги билан харидорлар эътиборини қозонмоқда.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз саноат корхоналари учун зарур бўлган ўтга чидамли ғиштлар четдан келтирилар эди. Корхонанинг модернизация қилиниши, ишлаб чиқаришга замонавий технологияларнинг татбиқ этилиши туфайли 11 турдаги ўтга чидамли ғиштлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Табиийки, бу корхонага иқтисодий фойда келтирибгина қолмай, ички бозорни рақобатбардош маҳсулотлар билан тўлдиришга ҳам хизмат қилмоқда.

**СУРАТДА:** цех прессловчиси Солижон Турсуналиев.

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**

## Ҳамкорлик янада кенгаяди

(Давоми. Боши 1-бетда).

Музокара якунида Ўзбекистон ҳукумати билан GMDAT ўртасида Стратегик ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланди. Мазкур ҳужжат Ўзбекистонда енгил автомобиль ишлаб чиқаришни янада кўпайтириш ҳамда «ЎзДЭУавто»нинг GMDAT глобал тизимига интеграциялашувини таъминлашга қаратилган.

Стратегик ҳамкорлик тўғрисидаги битим доирасида «ЎзДЭУавто» билан GMDAT ўртасидаги янги лойиҳалар бўйича қатор шартномалар имзоланди. Улар «Матиз» ва «Нексия» русумли автомобилларни Евро III стандартлари талаблари асосида замонавийлаштириш, автомобилсозлик соҳаси мутахассисларини тайёрлаш ва малакасини ошириш, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш каби йўналишлардаги ҳамкорликни янада кенгайтиришни назарда тутади.

## Шохобча — фермерлар хизматида

**Нукус тумани деҳқонлари айни кунларда 6 200 гектар майдонга экилган кузги буғдой парвариши билан банд. Ғаллазорлар шу кунга қадар икки марта суғорилиб, озиқлантирилди.**

Айни чоғда учинчи марта минерал ўғит билан озиқлантириш ишлари давом этаётир. Бу ишда "Тахиатош аммофос" минерал ўғитлар савдо корхонасининг тумандаги шохобчаси фермерларга кўмакдош бўлмоқда. Шохобча орқали уларга шу кунга қадар 200 тонна сульфат аммоний ҳамда карбомид етказиб берилди.



## Мижозлар мамнун

Сирдарё вилоятидаги «Гулистон» автомобилларни таъмирлаш корхонаси мижозларининг асосий қисмини фермерлар ташкил этади. Бу ерда турли русумдаги тракторларни, сув насослари, автокранлар, дизель двигателларини созлашдан ташқари, буюртмага кўра металл конструкциялар ҳамда металл панжаралар тайёрлаш ҳам йўлга қўйилган.

— Жорий йилнинг биринчи ярмида 26 миллион сўмлик хизмат кўрсатишни режалаштирганмиз, — дейди корхона раҳбари Мирҳомид Мелибоев. — Айни пайтда жамоамиздаги ўттизга яқин ишчи-хизматчининг қўли-қўлига тегмайди. Улар фермерларимиз учун техника воситаларини сифатли таъмирлаб беришга ҳаракат қилишмоқда.

*Пойтахтимизда соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғинини ислоҳ қилиш натижалари ва умумий амалиёт шифокорлари тайёрлаш масалаларига бағишланган анжуман бошланди.*

## Ислоҳотлар инсон манфаатларига хизмат қилмоқда

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, "Саломатлик-2", "Оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш" лойиҳаларини амалга ошириш бўйича қўшма бюро, Тошкент тиббиёт академияси, Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ҳамда Умумий амалиёт шифокорлари уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилган анжуманда мамлакатимиз олимлари, шифокорлар, бирламчи тиббий муассасалар мутахассислари билан бир қаторда халқаро ташкилотлар, йирик халқаро молия институтлари вакиллари ҳам иштирок этмоқда.

Икки кун давом этадиган анжуманда тиббиётнинг бирламчи тизимини ислоҳ қилиш борасидаги жаҳон тажрибаси, бу борада мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар самараси, оналик ва болаликни муҳофазалаш, малакали кадрлар тайёрлаш, тиббиёт муассасаларини молиялаштириш ва бошқариш тизимларини такомиллаштириш, илм-фан ва жаҳон тиббиёти янгиликларини амалга жорий этишга бағишланган маърузалар тингланади.

Анжуманнинг очилишида тиббиётда қўлланиладиган янги профилактика, диагностика ва даволаш технологиялари, препаратлар, табиий шифо воситалари кўргазмаси намойиш этилди.

***«Халқ сўзи» ва ЎзА мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.***

## ТЕЖАГАН РАҒБАТ ТОПАР

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ушбу давра суҳбати Чирчиқ шаҳрида бежизга ўтказилмади. Чунки Чирчиқ саноати ривожланган шаҳарлардан бири бўлиб, бу ерда сўнгги йилларда тежамкорлик сезиларли даражада ўсиб бормоқда.

— Корхонамизда ишлаб чиқариш жараёнлари электр энергиясини тежаш асосига қурилган, — дейди «Электркимёсаноат» очиқ акциядорлик жамияти бош муҳандиси Ф. Салаватов. — Жамоамиз энергия захираларини тежаш бўйича олдига қўйган вазифаларни босқичма-босқич амалга оширмоқда. Эскирган жиҳозлар янги замонавий технологияларга алмаштирилмоқда.

Сенаторлар ва мутахассислар муҳокама жараёнида келажакда бу тармоқ қонунчилигини, жумладан, «Энергиядан оқилона фойдаланиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини янада такомиллаштиришга эътибор қаратдилар. Электр энергиясидан самарасиз фойдаланганлар учун жавобгарлик чораларини кучайтириш тўғрисидаги таклифлар ҳам ўртага ташланди. Шунингдек, ёқилғи-энергия ресурсларини тежаган меҳнат жамоаларини, корхона, ташкилот ва муассасаларнинг алоҳида ходимларини моддий рағбатлантириш бўйича Қонунга қўшимча равишда Низом ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ эканлиги таъкидланди.

**Ўз мухбиримиз.**

## ҚУТЛУҒ ҚАДАМЖОЛАР ЮРТИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

— Ҳорманглар, йигитлар!

— Бор бўлинг, — дейди уларнинг бригадири Маҳмуд Қосимов.

— Ҳам сифатда, ҳам унумда ибрат кўрсатиб ишлаётган йигитларингиз билан таништирсангиз?

— Қайси бирини айтсам экан? — Маҳмуд бир дақиқа ўйланиб қолдида, сўнг сўзида давом этди. — Шавкат Расулов, Қаҳрамон Ваҳобов... Ғайрат ака бошлиқ бу йигитларнинг ҳаммаси ишчан, баъзан кейинги сменада ҳам қолиб ишлашади.

Шифтда жилолана бошлаган нақшларга маҳлиё бўлиб турган эдик, бир киши келиб, биз билан саломлашди.

— Бу киши бош энергетигимиз Неъмат Тўраев, — деди Қодир. — Бутун объектни электр нури билан таъминлайди. Борди-ю, бирорта ходими ишда бир дақиқа панд берса ҳам, бутун объектда иш тўхтаб қолади. Лекин ҳозирча бундай нохуш ҳолат юз бергани йўқ. Буни пайвандчиларнинг ғайрат-шижоати ҳам тасдиқлагандай гўё. Бош энергетик ҳар бир агрегат, техника, асбоб қандай ишлаётганини диққат билан кузатиб турибди.

Пайвандчилар бригада бошлиғи Толмас Дўстқобилов бизга ҳамкасбларининг ибратли меҳнатлари ҳақида фахрланиб гапирар экан, Шариф Эсонқулов, Абдуваҳоб Абдураҳмонов, Рауф Қурбоновдек йигитларнинг номларини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Ҳар бири 54 метр узунликда қад ростлаётган иккита баланд минора олдида тўхтаймиз.

— Ака, мен Самарқанднинг Нурободиданман, — дейди моҳирлик билан ғишт тераётган ўттиз ёшлардаги бир йигит ва сўзида давом этади:

— Оқсарой қишлоғини эшитганмисиз?

— Йўқ.

— Қандай қилиб, нега?! Ҳазрати Довуд пайғамбарнинг қишлоғини билмайсизми?

— Билмас эканман, — дедим ўзимни ноқулай сезиб.

— Зиёратга боринг!

— Худо хоҳласа.

Бу йигитнинг исми Шарифжон, фамилияси Бибоев бўлиб, ёшлигидан усталарга шогирд тушиб, бугунги кунда минора кўтарадиган устага айланибди. Унинг ишини бироз кузатгач, маҳоратига тан бердик.

Муқаддас Усмон Қуръони сақланадиган хона тайёр. Кенг, ёруғ, озода. Тўртта устун ўрнатилибди. Бутун хонага чиройли сайқал берилган. Қадимий китоблар, қўлёзмалар, умуман, тарихий, диний, илмий, маърифий аҳамиятга эга бўлган асарлар учун махсус жойлар жиҳозланибди. Бир сўз билан айтганда, Усмон Қуръони сақланадиган жой ноёб кутубхонага айланадиган бўлди.

Тилла шайх масжиди шу даражада юксак дид ва катта маҳорат билан таъмирланибдики, унинг бундан атиги икки ой олдинги манзараси тамомила ўзгариб кетибди. Бироқ чиройли сайқал бериш жараёнида асл ҳолати сақланиб қолинган.

Шунингдек, қисқа вақтда Бароқхон мадрасаси таъмирдан чиқди, Ўзбекистон Мусулмонлари диний идорасига янги бино қуриб берилди, мажмуани қамраб олган бутун ҳудудга пишиқ ғишт ётқизилди, шу ердаги маҳалла оқсоқолларига янги бино совға қилинди, бир қанча уйлар таъмирланди, муҳтожларга ёрдам кўрсатилди.

Кун бўйи мажмуадаги қурилиш ҳамда таъмирлаш ишларининг боришини, меҳнат кўтаринкилиги ва жўшқинликни кузатар эканмиз, сўзсиз, бизни бир ярим минг кишининг ҳар бир хатти-ҳаракатини кузатиб, баҳолаб, бошқариб туришдек катта масъулиятни ўз зиммасига олган Қодир Қурбонбоев билан яқиндан танишгимиз келди.

— Мен 1964 йилда туғилган бўлсам-да, аслида мустақиллик фарзандиман, — дейди у. — Чунки Истиқлол арафасида Тошкент политехника институтининг фуқаро-саноат қурилиши факультетини битирдим. Хотира майдони, Тарих музейи, Марказий банк, МДУнинг Тошкент филиали бинолари ва бошқа жойлардаги қурилиш ҳамда таъмирлаш ишларида қатнашдим. Ана шу жараёнда жуда кўп тажрибали қурувчилар ва таниқли усталар билан танишиб, улардан кўп нарса ўргандим. Ана шу ўрганганларим ҳозир жуда-жуда асқотаяпти.

Қодирнинг қишлоқ йигитларига хос жайдарилиги, одоби, кўнгли очиқлиги ҳар қандай кишида яхши таассурот қолдиради.

Хайрлашиш олдидан у мени ошга таклиф этди. Маълум бўлишича, қурувчилар учун ҳар куни камида 300 килолик гуруч дамланар экан. Бундан ташқари, икки сменада 3 маҳал иссиқ овқат ҳам тайёрланади.

Мажмуадан қайтар эканмиз, қутлуғ қадамжолари қайтадан қад ростлаётган ва таъмирланаётган юртимизни Яратганнинг ўзи ёмон кўзлардан асрасин, деган ўй кечди кўнглимиздан.

**Иброҳим НОРМАТОВ, «Туркистон-пресс».**



# ЮКСАК ЧЎҚҚИЛАРНИ ЗАБТ ЭТИБ

(Давоми. Боши 1-бетда).

нинг истеъдодимизга, иқтидоримизга, муқаддас заминимизнинг муносиб фарзандлари бўлиб етишишимизга қатъий ишонадилар. Мен кўп давлатларда бўлганман. Ишонч билан айта оламанки, ҳеч бир жойда давлат раҳбари микёсида спортни ривожлантириш, ёш авлодни ҳар томонлама баркамол этиб вояга етказиш борасида бунчалик кенг кўламли ишлар олиб борилаётгани йўқ.

— У ҳақ гапни айтди, — дея суҳбатимизга қўшилади Маданият ва спорт ишлари вазирининг биринчи ўринбосари Еркинбой Кутибаев. — Беллашув олдидан Германияга келганимизда, Русланнинг олдига бориб «Сен ғалаба қозонишинг керак. Сени бутун Ўзбекистон қўллаб-қувватламоқда. Президентимиз сенга ишонадилар!» дедим. У менга қараб «Мен бу ҳақда биламан, уни руҳан сезиб турибман. Ғалаба қозониш учун бор кучимни сафарбар этаман ва уни мустақил Ватанимга бағишлайман!» дея жавоб берди. Ва у ўз сўзининг устидан чиқди, юртимизнинг ҳақиқий ўғлони эканлигини исботлади.

Қувонарлиси, жангдан сўнг қаерга бормайлик, немислар янги чемпионни таниб, Русланни ва бутун ўзбек делегациясини «О, Руслан! О, Ўзбекистон!» дея олқишлашарди. Албатта, бундай дақиқаларни ҳеч қачон унутиб бўлмайди. Мен ўшанда ушбу ғалабанинг қанчалик улуғлигини янада теран англадим ва уларнинг хайратларини мамлакатимизда спортни ривожлантириш учун қилинаётган улкан ишларга берилган баҳо деб тушундим.

Дарҳақиқат, юртдошимизнинг тарихий ғалабасини сайёрамизнинг машҳур боксчилари ҳам тан олишди. Масалан, IBF йўналишида оғир вазн бўйича чемпион Владимир Кличко ҳам Руслан Чагаев ва Николай Валуевнинг учрашуви ҳақида гапирар экан, шундай деди: «Фикримча, Руслан Чагаев яхши техника намойиш этиб, ушбу беллашувда шубҳасиз ғалаба қозонди...»

Ушбу ғалабанинг адолатли эканини Валуевнинг ўзи ҳам тан олди. «Мен ҳакамларнинг қарори адолатли эканини тан оламан. Рақибим тўғри тактикани танлагани унга ғалаба келтирди», деди у.

— Ушбу қувончли воқеани нишонлар эканмиз, — дейди Руслан, — бундай юқори натижаларга эришишимиз, олтин медаллар соҳиби бўлишимиз ва ғалабаларни қўлга киритишимиз — бу истиқлолга эришишимиз ва давлатимизнинг ёш авлодни баркамол этиб тарбиялашга қаратилган сиёсати туфайли эканини доим ёдда тутмоқ лозим.

Дарҳақиқат, юртимизда спортни ривожлантириш ва унга ёшларни жалб қилишга катта эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистонда ўғил-қизлар мактаб ёшиданоқ «Умид ниҳоллари» мусобақаларида иштирок этишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. Коллеж ва лицей талабалари эса ўз маҳоратларини «Баркамол авлод» беллашувларида намоён этишади.

Олий ўқув юртлари талабалари орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, уларнинг спорт билан мунтазам шуғулланишлари учун замон талабларига тўла жавоб берадиган шарт-шароитлар яратиш, шунингдек, келажак авлод вакилларида мардлик, ватанпарварлик, ўзига ишонч туйғуларини тарбиялаш мақсадида «Универсиада» мусобақалари ташкил этилган. Ушбу мусобақаларнинг навбатдагиси шу йил ёзда пойтахтимизда бўлиб ўтади.

Бир неча йилдан буён мунтазам равишда ўтказиб келинаётган ушбу мусобақалар ўз юртининг муносиб фарзандларини, юзлаб мамлакат, қитъа ва жаҳон чемпионларини тарбиялашга имкон яратмоқда. Қарийб ҳар куни спортчиларимизнинг у ёки бу халқаро мусобақалар ғолиблигини қўлга киритгани ва ўша ерда Ватанимиз мадҳияси янграгани, байроғимиз баланд кўтарилгани ҳақида эшитамиз. Масалан, бир неча кун илгари Киевда бокс бўйича Қуролли Кучлар минтақалараро жаҳон чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси 25 давлат спортчилари орасида 6 марта шоҳсупага кўтарилишди, уч олтин, иккита кумуш ва бронза медаллари соҳиби бўлишди.

Айтиш лозимки, германияликлар ўз юртида спортчиларимизнинг ғалаба қозонишларига анча ўрганиб қолишаётган бўлса, ажабмас. Чагаевнинг Штутгартдаги ютуғидан сўнг 12 ёшли бухоролик истеъдод эгаси — Саидқосим Алиев ва опаси Гулсум Алиевалар Берлинда ўтказилган ўсмирлар ўртасида шашка бўйича жаҳон чемпионатида ғолибликни қўлга киритишиб, спортнинг бу турида улар пешқадам эканлигини исботлашди. Сув спорти бўйича Россиянинг Новочебоксарск шаҳрида ўтказилган мусобақаларда ўзбекистонлик спортчилар 8 та медаль соҳиби бўлишди ва 3 марта шоҳсупанинг энг юқорисига кўтарилишди. Беллашувларда 32 та жамоа қатнашганини эътиборга олсак, бу ғалабаларни қўлга киритиш осон кечмаганини тушуниш қийин эмас.

Дарҳақиқат, бугун Ўзбекистонда спортни ривожлантиришга қаратилган оқилона сиёсат, юрт шаънини юксакларга кўтарадиган иқтидорли ёшларни тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилаётгани бутун дунёда тан олинмоқда. Масалан, «Universum-box promotion» профессионал бокс клуби промоутери Клаус-Петер Коль яқинда Президентимизга йўллаган мактубида мамлакатда спорт давлат сиёсати даражасига кўтарилгани учун ўзбек спортчилари жаҳон майдонларида улкан ғалабаларга эришаётганини таъкидлайди.

Руслан билан хайрлашаётганимизда у: «Биз эришган ғалабалар улкан ютуқларимизнинг дебочасидир. Кўрасиз, бизни олдинда янада улкан зафарлар кутмоқда. Ҳали биз юртимизнинг шон-шарафини бундан-да юксакларга кўтарамиз ва Ўзбекистондек муқаддас юртнинг муносиб фарзанди эканимизни исботлаймиз», деди.

Чемпионнинг сўзларига биз чин дилдан ишонамиз.

**Салим ДОНИЁРОВ.**




**Руслан Чагаев «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газетхонларига салом йўллаб, соғлиқ-саломатлик, бахту саодат, мамлакатимиз равнақи йўлидаги эзгу ишларига улкан омадлар тилади.**

***Мамлакатимизда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида хотин-қизларнинг давлат ва жамият қурилишидаги фаоллиги ва мавқеини янада юксалтириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Юртимизда бу борада амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар жаҳоннинг кўплаб давлатларида ҳам қизиқиш уйғотмоқда.***

## ЎРГАНСА АРЗИГУЛИК ЮТУҚЛАР КЎП

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Франциянинг Париж шаҳри олий инстанция суди прокурорининг ўринбосари, Париж хотин-қизлар ҳуқуқлари бўйича ахборот маркази маъмурий кенгаши аъзоси Франсуаз Гийо хонимнинг ташрифи бунинг далилидир.

Франциялик меҳмоннинг Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Светлана Иномова билан учрашувида хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, оналар ва болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш, оилани мустаҳкамлаш, аёлларнинг жамиятдаги мавқеини ошириш борасида мамлакатимизда амалга оширилаётган ишлар ҳақида сўз борди.

Ўзбекистонда хотин-қизларни ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, касбий, жисмоний, маънавий ва интеллектуал салоҳиятини янада юксалтириш, оила, оналик ва болалик манфаатларини ҳимоялаш, гендер тенглигини таъминлаш доимий эътиборда. Бу борада Президент Ислом Каримовнинг 2004 йил 25 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қабул қилинган давлат дастурларига биноан оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, ёш авлод ҳамда оилаларни ижтимоий ҳимоялаш борасида кенг кўламли хайрли чора-тадбирлар амалга оширилаётир. Тиббиёт масканлари — она ва бола скрининги марказлари, қишлоқ врачлик пунктлари, спорт-соғломлаштириш, шифо масканлари, поликлиникаларнинг фойдаланишга топширилиши, замонавий жиҳоз ва ускуналар билан таъминланиши бунинг ёрқин далилидир.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги барча ўзини ўзи бошқариш органларида диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар фаолият кўрсатмоқда. Маҳаллаларда, оилалардаги маънавий муҳитни мустаҳкамлаш, хотин-қизлар, айниқса, ёшларни миллий қадриятларимиз ва урф-одатларимиз руҳида тарбиялашда маслаҳатчи аёлларнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

Фармонга мувофиқ, хотин-қизларни, айниқса, чекка ҳудудларда яшовчи аёлларни иш билан таъминлаш, улар ўртасида тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ижтимоий ҳимоя йилида бундай эзгу юмушлар кўлами янада кенгайгани эътиборга моликдир.

Учрашувда франциялик меҳмон Ўзбекистонда хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамият ҳаётидаги мавқеини янада ошириш, репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, гендер тенглигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишларга юксак баҳо берди. Бу йўналишда Ўзбекистонда бошқа давлатлар ўрганса арзийдиган ижобий тажриба тўпланганини алоҳида таъкидлади.

Ф.Гийо хоним Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Р.Қодиров билан учрашди. Тошкент шаҳрида ўтган «Аёл ва спорт» мавзуидаги халқаро анжуманда иштирок этди. Бухоро ва Самарқандда бўлиб, мазкур вилоятлардаги хотин-қизлар ижтимоий мослашуви марказлари фаолияти билан атрофлича танишди.

**Назокат УСМОНОВА, ЎзА мухбири.**

## БЕЛЬГИЯДА
## «ЎЗБЕКИСТОН: ДАДИЛ ҚАДАМЛАРНИНГ 15 ЙИЛИ» ЖУРНАЛИ ЧОП ЭТИЛДИ

*Брюсселда «Ўзбекистон: дадил қадамларнинг 15 йили» журнали босмадан чиқди. У республикамизда жамиятни янада демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш, илм-фан, маданият, сайёҳлик, спорт, соғлиқни сақлаш, оммавий ахборот воситалари ҳамда ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг бошқа жабҳаларида эришилаётган ютуқлар мавзуларига бағишланган. Нашр Бельгиянинг «Diplomatic world» журнали таҳририяти ва Ўзбекистоннинг Бельгиядаги элчихонаси билан ўзаро ҳамкорликда ўқувчиларга тақдим этилди.*




У хорижлик журналхонларни мамлакатимиз билан яқиндан таништиради. Нашр сиёсий ислоҳотлар, иқтисодиёт тармоқларидаги ютуқлар, сармоявий салоҳият, ташқи сиёсат, халқаро иқтисодий муносабатлар, Европа Иттифоқи ва Бельгия билан ҳамкорлик, суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш, ижтимоий ҳимоя ва гендер сиёсати тизими, дин, таълим, соғлиқни сақлаш, сайёҳлик, маданият, спорт сингари 22 бўлимдан иборат.

Ўзбекистоннинг ички ва ташқи сиёсати номли бўлимида дунёнинг турли давлатлари, халқаро ва минтақавий ташкилотлар билан ўзаро алоқалар, республика раҳбариятининг давлат бошқаруви тизимини демократлаштириш, фуқаролик жамиятини шакллантириш борасида олиб бораётган саъй-ҳаракатлари, шунингдек, иқтисодиётни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш бўйича чора-тадбирлар, хусусан, хорижий сармоядорлар ва тадбиркорлар учун яратилаётган қулай шарт-шароитлар хусусида атрофлича сўз юритилган.

Журналда суд-ҳуқуқ соҳаси ва жиноий жазо тизимини либераллаштиришнинг асосий йўналишлари ҳам ўз ифодасини топган. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисидаги фармони ва мамлакатимизда «Хабеас корпус» институтининг жорий этилаётгани, ушбу масалалар юзасидан етакчи чет эллик экспертларнинг фикр-мулоҳазаларига алоҳида урғу берилади.

Шунингдек, хорижлик журналхонларнинг эътибори Ўзбекистоннинг бой тарихий-маданий ва маънавий меросига, илм-фан ва юқори технологиялар, таълим, диний маърифат, соғлиқни сақлаш, спорт, сайёҳлик ва шу сингари республиканинг бошқа соҳалардаги замонавий салоҳиятига қаратилган.

Ўзбекистон Республикасининг мустақиллик йилларида эришган ютуқлари ва ўзбек халқининг бой маданий меросини намойиш этувчи ранг-баранг суратлар билан безатилган мазкур журнал 5 минг нусхада чоп этилди.

**«Жаҳон» АА.**
Брюссель.

# ИСТИҚЛОЛНИНГ БУЮК ШАҲРИ

(Давоми. Боши 1-бетда).



Эртаси куни ал-Мотуридий мақбараларини кўришга ошиқдим. Ҳазрат ётган «Чокардиза» қабристонида 600.000 майит мангу уйқуда. Етти қатлам қабр бор дейишади. Унинг тарихи қарийб икки минг йиллик. Таниқли, археолог Амриддин Бердимуродов ҳикоя қилишича, Самарқанд шаҳрининг қўҳна қисмида жойлашган, бир неча юзлаб улуғ алломалар, саййидлар, шайхлар, имомлар ва ғозийларнинг охирги макони Чокардиза қабристони Ислом оламида Мадинадаги Боқия ва Маккадаги Мулло қабристонларидан кейин шарафли учинчи ўринда турар экан. Дастлаб бу ерга аллома Абу Исҳоқ бин Иброҳим Самосий қўйилган, 944 йил шайх Абу Мансур Мотуридий ҳам ўз васиятига биноан шу ерга қўйилган.

Не қайғуки, мустабид замон талотўпларида, даҳрийлик авжига чиққан кезларда — 1948 йилда қабристон майдони ҳовли-жойлар қуриш учун бўлиб берилган. Ал-Мотуридий зиёратгоҳи имом хатиби Маҳмуд ҳожи Мухторовнинг айтишича, ҳазрат қабри, ёнидаги мачит ўрнига қурилган ҳовлида ҳеч ким яшолмаган. Билиб-билмай мол боққанларнинг иши юришмаган, моллари касалланиб ўлиб қолаверган. Яна бир онахон бу ҳовлига кўчиб келгач, тушларида оппоқ кийимли, нурли сиймони оғилхона ёнида кўравергач, безобланиб, охир-оқибат кўчиб кетган.

Бу аянчли кўргулик қирқ уч йилга чўзилади. Мустақиллик қуёши ўзлигимизни, тарихимизни қайтарди. Боболаримиз руҳини шод этиш, ҳурматини, қадр-қимматини тиклаш — эзгуликка йўғрилган олтин давр бошланади. Юртбошимиз саъй-ҳаракати, ташаббуси билан ал-Мотурудий ҳазратларнинг 1130 йиллигини нишонлаш ва бу улуғ зотнинг қабри устида мақбара бунёд этиш масаласи кўтарилади.

Ал-Мотуридий Имом ал-Бухорий қазо қилган 870 йилда дунёга келганлар. Аллоҳ, Туронзаминда бир буюк алломани ўз бағрига қайтариб, бошқа бирини туҳфа қилгандай. Гўёки, имом Бухорий Самарқанд яқинида жон таслим қилиб, ал-Мотуридий ҳазратларига илоҳий навбатни бергандай.

Биз ҳазрат қабрлари устида дуойи фотиҳага қўл очдик. Имом хатиб Қуръон тиловатини бажо келтирдилар. Илоҳий каломлар мақбара кошинларига, гумбазига жаранглаб урилди. Қарасам, гумбаз тоқида бир мусича ўтирибди. Донг қотдим. Маҳмуд ака бизни кузатаётиб, секин шивирлади:

— Доим шу ерга келади, тиловат эшитади. У бугундан рози.

Самарқанд кўчаларини оқшом чоғи роса кездим. Регистонни, унинг бетакрор манзараларини қайта ва қайта томоша қилдим. Шердор, Тиллакори мадрасаларини Ялангтўш Баҳодур барпо этган. Бу бинолар ишқдан, муҳаббатдан яралган. Уларнинг барини таъмирлаб, ислом оламининг, башариятининг мислсиз даҳолари қабрларига мақбаралар қурдирган, Оқсаройни Соҳибқиронга ихлос ва эътиқод тарзида қайта бунёд этаётган, Шоҳизиндани, Хўжа Хизрни, Бибихонимни — сайқал бериб, қалб қўри билан нурлантираётган, умуман, мамлакатни маъмур ва обод қилишга азму қарор қилганлар ва бу ишда уларга бош бўлган заковатли йўлбошчининг эзгу орзулари замонида яшаяпмиз. Минг қатла шукр.

Ана шундай туйғулар оғушида Шердор пештоқидаги шерларга боқаман, улар гўё манглайимга муҳр босгандай, жисмларидаги қуёш вужудимни ёритиб умидларимни кийикка айлантиргандай. Умидларим «Бизлар ҳеч кимдан кам эмасмиз, биз ҳам қудратлимиз» деб ҳайқира бошлагандай.

Сафаримнинг учинчи куни яна Бибихонимга элтадиган, пасти Сиёб бозорию Шоҳи Зиндага туташадиган йўлдан сайрга чиқдим. Шу йил август ойида Самарқанднинг 2750 йиллиги нишонланади, шаҳардаги ободликлар, қурилишлар сон-саноқсиз. Айниқса, маҳаллалар, гузарлар ўзгача чирой очаяпти.



«Даҳбедий» маҳалласи оқсоқоли — Комилжон Раҳимбердиев билан учрашганимизда, у киши сув тармоқлари идорасидан эндигина қайтган эканлар.

— Наврўз байрамига келмадингиз-да, ука. Шаҳримиздаги байрам ҳақиқий базм, тантана бўлди. Маҳалламизда пишган халиса-ю сумалакни мақтамаган одам қолмади, — Комилжон ака мағрур, гаплари тош босади. — 615 та оила яшайди гузаримизда. Жами 2105 киши, ҳаммаси байрамга чиқди. Август ойига биз ҳам тайёргарлик кўраяпмиз, ўзимизга яраша совға-саломимиз бор.

У мароқ билан ижтимоий ҳимоя йилидаги ишларни, кам таъминланган оилаларга эътиборни, қанча кўчат экишгани-ю маҳаллада нечта тўй бўлганини гапириб беради. Тўйларга келганда ака адашиб кетди. Кимгадир телефон қилмоқчи бўлди, ахир маҳалла оқсоқоли — тўйлар кўп бўлса, сонини баъзан эсдан чиқариш табиий...

Маҳалладан чиқиб, Университет хиёбонидаги Соҳибқирон Амир Темур ҳайкали қошида бир муддат ушланиб қолдим. Давлатчилигимизнинг асосчиси, узоқ-узоқларга синчилиб қараяптилар. Узоқ-узоқлар, бизни нима кутаяпти, шубҳасиз, бахт, фаровонлик, иқбол, саодат. Тағин хиёбон фавворапарига қараб йўналаман. Шарқираган сув руҳингни тебратади. Университет ректори, тарих фанлари доктори Темур Ширинов хиёбонни домлалар билан кезиб юрибди. Айни пайтда Темур ака университет қошида тузилган «Юбилей тадбирлари» марказида бош-қош.

— Ҳозиргина ҳужжатли фильмларни суратга олаётган режиссёрлар билан баҳс қилиб олдик. Самарқанднинг 2750 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш авжида. 24-25 май кунлари «Самарқанд шаҳрининг умумбашарий маданий тараққиёт тарихида тутган ўрни» мавзусидаги халқаро илмий симпозумни Улуғбек мадрасаси ҳовлисида ўтказишга юз фоиз тайёрмиз. 30 дан ортиқ хорижлик таниқли археологлар, шарқшунослар, тарихчиларга таклифномалар жўнатдик, қўшни мамлакатлардан 100 га яқин йирик илм-фан арбоблари келиши кутилмоқда. Интернетда инглиз, рус, ўзбек тилларидаги юбилей сайтимиз ишлаб турибди. Маълумотномалар, кўрсаткичлар, китоблар, альбомлар, буклетлар, Самарқанд тўғрисидаги фильмлар якунига етай деб қолди. — Домланинг ҳисоботдан нафаслари ичига тушиб кетди. — Ҳар куни юзлаб одамларга тушунтираман. Ахир билсинлар деймана-да...

— Юртбошимизнинг саъй-ҳаракатлари натижасида Париж шаҳрида. ЮНЕСКО бош конференциясининг 2005 йил 30 октябрида бўлиб ўтган 33-сессиясида Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллигини нишонлаш ва унда ЮНЕСКОнинг иштирок этиши ҳақидаги қарор қабул қилинди. Мустақиллик йилларида Президентимиз ғоялари билан ўнлаб шаҳарларимизнинг юбилейлари нишонланди. Лекин буниси бошқачароқ, чунки ер юзида бундан қадимийроқ, барҳаёт бошқа шаҳар йўқ.

Дарҳақиқат, Эребуни, Вавилон, Афина шу ёшда. Фақат икки шаҳар боқий қолди: Самарқанд ва Рим. Шундай, лекин Самарқанд, аввало, Ўзбекистон истиқлолининг буюк шаҳридир. Чунки истиқлол туфайли унинг шуҳрати, шони янада юксалди, етти олам хазинасига тенг ҳақиқий баҳосини топди.

Кун оғаяпти. Сафарим ниҳоялаб қолди чоғи. Негадир хиёбондан жилгим келмайди. Тошкентга — пойтахтга қайтишим керак. Илкис, келган фикрдан, кўнглим тағин ёришади. Самарқанддаги улкан мажмуа — «СамАвто»ни кўрмадим-ку. Қолдим, янги кун эпкинида шаҳардаги корхоналар билан танишдим. «СамАвто» — гигант корхона. Япония ва Ўзбекистон ўзаро имзолаган техник ҳамкорлик асосида замонавий автобуслар, юк ташувчи машиналар йиғилаяпти бу ерда. Самарқанд шаҳар ҳокимияти лизинг асосида 100 автобусга буюртма берган, Тошкент 30 та автобусга, бошқа вилоятлар навбатда.

Япониядан «Исузу» компанияси моторлари, автобуснинг остки қисми келтирилади, қолганлари ўзимизда, мамлакатимизда мавжуд, — дейди корхона бош директори ўринбосари Фаррух ака Юсупов.

Самарқандда яна бир донгдор корхона бор. У ҳам бўлса "Сино", Марказий Осиёда ягона музлатгичлар заводи. Бундан ўн беш йиллар аввал инқирозга юз тутган заводни, Юртбошимиз аралашувидан, ёрдамидан сўнг асраб қолинганини барча ишчилар таъкидлашади. Миллий саноатнинг етакчиларидан бирига айланиш — "Сино" очиқ акциядорлик жамиятининг биринчи галдаги вазифаси деб белгиланган. Айни чоғда жамият 2 камерали музлатгичлар, турли русумдаги кондиционерлар, йирик ҳажмдаги омборхоналар учун совутиш жиҳозларини ишлаб чиқаради. Ўртача маош 180 000 минг сўм. Ишчилар учун барча шарт-шароитлар яратилган. Шинам ошхона, жамиятга тегишли кичик фабрикаларда тайёрланган тухум, гўшт ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари дўкони мавжуд, компьютерлаштирилган, тўлиқ жиҳозланган хоналар — бир-биридан аъло. Ўтган йили заводда 278 киши ишлаган бўлса, бу йил 495 киши фаолият юритаяпти. Завод яна янги ишчиларни, мутахассисларни ишга олмоқчи.

Худди шундай ютуқларни "Кинап" очиқ акциядорлик жамиятида кўрдик. Қувонарлиси, корхонада тайёрланаётган ўқув-тажриба жиҳозлари ускуналари хавфсизлик даражаси жиҳатидан Хитойдаги шунга ўхшаш заводлар маҳсулотидан уч баробар юқори экан. Умуман, шаҳарда фаолият кўрсатаётган 25 та йирик саноат корхонасининг иқтисодий ўсиши чакки эмас. Қолаверса, шаҳарда юзга яқин қўшма корхона фаол ишламоқда. Жорий йилнинг биринчи чорагида Ўзбекистон — Россия "Ятра-инвест" шифер ишлаб чиқарувчи, "Сиёвуш Алтро Самарқанд" Ўзбекистон — Буюк Британия помпропилен иплар корхоналари очилди.

Шаҳарда 60 та замонавий меҳмонхона меҳмонлар, сайёҳлар хизматига шай. Юбилейга атаб 100 дан ортиқ марказий кўчалару маҳобатли бино ва иншоотларга янги паннолар ва реклама мосламалари учун мўлжалланган конструкциялар ўрнатилган. Самарқанднинг "юраги" — Афросиёбдаги шаҳар тарихи музейи таъмирдан чиқарилди. Учта — катта, ўрта, кичик халқа йўллар қурилиши жадал давом эттирилмоқда. Ҳа, айтганча, "ТошБошПланЛити" илмий-лойиҳалаш институти томонидан 2 босқичли Самарқанд шаҳрининг меъморий режаси ишлаб чиқилган. Ундаги режалар 2025 йилга қадар белгиланган. Ушбу режалар амалга ошса, Римдан ўтиб кетамиз. Ишонаверинг. Ўшанда Афросиёб — Шоҳи Зинда, Бибихоним, Регистон, Руҳобод, Гўри Амир, Кўксарой ягона халқага бирлашади. Бундай тарихий мўъжиза фақат Самарқандда акс этади ва мутлақо қиёси бўлмайди.

Бешинчи кун. Биз ўзимизнинг кенг, уфқлар оша ўтадиган, асрлар довонларини парчалайдиган хосиятли йўлимиздан кетаётгандаймиз. Аммо ҳеч қачон Самарқанд билан хайрлашиб бўлмайди, кетдим дейиш — гуноҳ. Салом. Мен ҳамиша шу ердаман, деб айтиш лозим. Афросиёб ён бағирларидан ўтиб Дониёр пайғамбар мақбарасига яқинлашаман. Ёш келин-куёвлар, чоллар, аёллар ва эркаклар. Узундан-узун қабр атрофида парвоналар, муқаддас булоқ сувида юз чайиб шивирлаётганлар. Илло, мен ҳам битта парвонаман, менам шивирлаётганлар қаторидаман. Истиқлол йилларида бирданига яшнаб қолган писта бодомнинг ерга букилиб айлана ҳосил қилган доирасидан тўрт марта таомилга риоя этиб эмаклаб ўтаман. Нақл қилишларича, "Дониёр турбати сақланган маконда одамлар бой ва тўқ яшашаркан, унинг руҳи эса барча балою офатлардан сақлар экан".

Сўнгги йилларда Тошкент кўчасидан зиёратгоҳгача Сиёб ариғи бўйлаб янги йўл очилган. Зиёратгоҳга киришда нақшинкор дарвоза ўрнатилган. Қабр атрофи оникс ва қора мармар билан қопланган. Қабрга олиб борувчи 3 қисмли зинапоя барпо қилинган.

*Хуллас, мана шунақа ишлар, манзаралар, кўринишлар, туйғулар.*

*Мен тушган машина Чўпонота қирлари ўртасида, бош кентимиз Тошкентга қараб елиб бораяпти. Кўксимда юрагим потирлайди, қоним жунбушга келади, ҳислар-туйғулар гулдурос солади. Салом, Самарқанд мен қайтаман. Ахир ҳидингни бир марта бўйлаган инсон ҳаёт гулобини сипқоргандай сезади, ўзини. Бу баҳайбат, шунинг билан бирга жуда тор дунёни исмингни дилга жойлабгина бир қадар тушуниш мумкин.*

*Зеро, иймони бор, ҳалол, эътиқодли келаётганлар ва кетаётганлар билган абадий ҳақиқатдан хабардорман: Истиқлол туфайли яшарган, оловли қалблар ҳароратидан қайта сайқалланган Самарқанд — Ўзбекистон ҳамда башариятнинг довруқли, боқий ва мангу шаҳридир.*

**Абдували ҚУТБИДДИНОВ.**

БАРЧА ТУРДАГИ ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

## БУХОРО ВИЛОЯТИ ИИБ ҲУЗУРИДАГИ ҚЎРИҚЛАШ БЎЛИМИ

қурилишни тўлалигича қуриб фойдаланишга топшириш шарти билан қуйидаги иншоотга пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича

танлов савдолари ўтказилишини эълон қилади:

Бухоро шаҳри, Б.Нақшбанд кўчасида жойлашган Бухоро шаҳар ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлими маъмурий биноси қурилиши.

Қурилиш ишлари буюртмачининг ўз маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.
Буюртмачи манзили — Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 10-уй.
Телефон: 222-71-01, факс: 222-75-43.

Талабгор сифатида қатнашаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: *устав сармояси миқдори, танлов савдолари предметининг камида 20 фоизи миқдорида айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажриба ва кўникмаларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга ҳамда ўзаро ишончга, шунингдек, етарли ишчи кучи заҳираларига эга бўлишлари лозим.*

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Бухоро вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:

**Бухоро ш., Навоий шоҳкўчаси, 5-уй, 18-хона. Тел.: 223-96-29, факс: 223-97-51.**

*Танлов ҳужжатлари бир тўплами (комплект) қиймати — 60 000 (олтмиш минг) сўм.*

*Оферталар савдо ташкилотчиси — Бухоро вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази томонидан қуйидаги манзилда қабул қилинади: Бухоро ш., Навоий шоҳкўчаси, 5-уй, 18-хона. Тел.: 223-96-29, факс: 223-97-51.*

*Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соатигача. Таклифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб ўттиз кундан кейин қуйидаги манзил: Бухоро шаҳри, Навоий шоҳкўчаси, 5-уй, 18-хонада соат 10.00 да бўлиб ўтади.*

520Н/751

**Газ улгуржи истеъмолчилари ва газ сотувчи ташкилотлар диққатига!**

## «Крокус Газ Сервис» ҚК

**(Чкалов номли ТАИЧБ ДАБ)**

**«Сигнал» (Россия) ва «Газдевайс» ЁАЖ (Россия, Москва) компаниялари гуруҳининг Ўзбекистон ҳудудидаги расмий вакили қуйидагиларни таклиф этади:**

**ЭЛЕКТРОН БЛОКЛИ (БК) МУВОФИҚЛАШТИРАДИГАН ТУРБИНАЛИ САНОАТ ГАЗ ЎЛЧАГИЧЛАРИ (СТГ).**



**Мазкур асбоблар газни ҳисобга олиш бўйича замонавий ўлчаш-ҳисоблаш комплекслари бўлиб, немис технологияси бўйича Россияда ишлаб чиқарилган.**

**Ўлчаш диапазонлари: соатига 100 $м^3$, 250 $м^3$, 400 $м^3$, 650 $м^3$, 1000 $м^3$, 1600 $м^3$ гача ва ундан ортиқ.**

**Етказиб бериш, тўлиқ монтаж қилиш, кафолатли сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.**

**Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.**

**Россияда ишлаб чиқарилган**

**«АГАТ» РУСУМЛИ, УЛЬТРАТОВУШЛИ, ЎЛЧАНАЁТГАН ГАЗ ҲАРОРАТИНИ АВТОМАТИК РАВИШДА ТЎҒРИЛАЙДИГАН**

**замонавий электрон газ ўлчагичлари.**



**Ўлчаш диапазонлари:**
- «АГАТ» G-16 (соатига 0,16 $м^3$ дан 25 $м^3$ гача);
- «АГАТ» G-25 (соатига 0,25 $м^3$ дан 40 $м^3$ гача);
- «УБСГ» 001 G-4 (соатига 0,04 $м^3$ дан 6 $м^3$ гача).
- «УБСГ» 001 G-6 (соатига 0,06 $м^3$ дан 10 $м^3$ гача).
- «УБСГ» 001 G-10 (соатига 0,1 $м^3$ дан 16 $м^3$ гача).

**Кафолатли сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.**

**Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.**

**Сервис маркази манзили: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, «Моштабиб» кўчаси, 7-уй. Мўлжал — Тошкент вино заводи. Тел./факс: 132-21-22, 136-39-63, 127-10-28, 127-07-72.**

52Н/23

Спорт ● Sport ● Спорт ● Sport ● Спорт

# Байрамга айланган мусобақа

Янгийўлда бир сиҳатгоҳ борки, бу ер неча ўн йиллардан бери кўзи ожиз кишиларнинг севимли масканига айланган. Бу Ўзбекистон Кўзи ожизлар жамиятининг «Янгийўл» санаторийсидир. Улкан боғ-ҳовлининг ҳудуди Жўн ариғи билан туташиб кетган, ҳозирги баҳор кунларида айниқса тароватли табиат касб этадиган бу оромгоҳ 26-30 апрель кунлари янада гавжум бўлди: икки юзга яқин даволанувчи-дам олувчилардан ташқари эллик нафар шахмат-шашка мусобақаси иштирокчилари дона суришди.

Республика мусобақаси жамоа ва шахсий биринчилиги қизғин баҳсларга бой бўлди. Шахмат бўйича беллашувда Бухоро вилояти жамоаси биринчи, Самарқанд жамоаси иккинчи ва Қашқадарё жамоаси учинчи ўринни эгаллади. Эркаклар шахсий мусобақасида Алишер Эргашев (Жиззах) биринчи, Амрилло Абдуллаев (Самарқанд) иккинчи, Александр Бардин (Тошкент шаҳри) учинчи ўринларга сазовор бўлишди. Аёллар ўртасидаги беллашувда эса бухоролик Самият Тўхтаева биринчи, андижонлик Юлдуз Қурбонова иккинчи, самарқандлик ёш иштирокчи Зиёда Кўчқорова учинчи ўринни қўлга киритди.

Шашка бўйича мусобақада Андижон, Сурхондарё, Жиззах вилоятлари жамоалари фахрли ўринларни эгаллаган бўлса, шахсий беллашувда Қўшоқ Эшмонов, Ботир Қосимов, Эшқўзи Саримсоқовлар ғолиблар сафидан жой олишди. Ҳакамлар Рамазон Ҳамроев ва Норман Муродовлар фаолияти мусобақа иштирокчиларининг таҳсинига лойиқ бўлди.

Куни кеча мусобақа якунига бағишланган тантанали маросимда республика Кўзи ожизлар жамияти марказий бошқаруви раиси Ёқуб Жавлонов барча иштирокчиларни табриклаб, фахрли ўринларни эгаллаган жамоа ва шахсий мусобақа ғолибларига Фахрий ёрлиқ, пул мукофотлари ва қимматбаҳо совғалар топширди.

**Ўз мухбиримиз.**

*Урганч шаҳридаги «Бокс маркази» спорт мажмуасида 13-15 ёшли боксчиларнинг вилоят мусобақаси бўлиб ўтди. Унда барча туманлардан 130 нафардан ортиқ ўсмир иштирок этди.*

## Рингда ўсмирлар

Эришилган натижаларга кўра, урганчлик 10 нафар спортчи ўз вазн тоифалари бўйича биринчи ўринни эгаллади. Ёш боксчилар ўзларининг спортдаги илк муваффақиятларини юртимизнинг фахрли боксчиси Руслан Чагаевнинг тарихий ғалабасига бағишладилар.

Ғолиблар Ангрен шаҳрида бўлиб ўтадиган Ўзбекистон биринчилиги мусобақаларида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритишди.

**О. РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**Корхона ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига!**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИНИНГ МОДДИЙ-ТЕХНИКА ТАЪМИНОТИ БОШҚАРМАСИ**

**қуйидагиларни ишлаб чиқариш ва етказиб бериш бўйича тендер таклифлари қабул қилишнинг муддати узайтирилганлигини эълон қилади:**

- бош кийимлар;
- тикув ва тикув-трикотаж буюмлар;
- пойабзал;
- бурма бел пальто (бекеша) ва қўй терисидан тикилган пўстинлар;
- ўт ўчириш хизмати ашёлари;
- тўшаклар (матрац) ва пахтали ёстиқлар.

**Тендер қуйидаги манзилда ўтказилади: Ўзбекистон Республикаси, 700070, Тошкент шаҳри, Ш.Руставели кўчаси, 1-берк кўча, I-уй. Тендерда иштирок этиш учун талабгорлардан таклифларни қабул қилишнинг сўнгги муддати — 2007 йил 15 май куни соат 17.00 гача.**

**Маълумот ва тендер ҳужжатларини олиш учун ҳар куни соат 9.00 дан 19.00 гача қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилиш мумкин: 8 10 998 (3712) 153-74-16, 361-43-72, 136-39-60, 55-85-03. Факс: 8 10 998 (371) 361-43-72. E-mail: umtvs@uzpak.uz. Шунингдек, қўшимча маълумот қуйидаги сайтда жойлаштирилган: www.dgMarket.uz**

4258/516

Ўзбекистон Автомобиль ва дарё транспорти агентлиги ҳайъати Ўзбекистон Автомобиль, дарё, электр транспорти ва йўл хўжалиги ходимлари касаба уюшмаси Марказий Кенгаши раиси Алишер Мадалимовга падари бузруквори

**МАЛИК** отанинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки жамоаси Ички аудит департаменти бошқарма бошлиғи Исроил Рўзматовга волидаи муҳтарамаси

**ЗОҲИДА** онанинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.

«MINITEXINVEST LIZING» очиқ акциядорлик жамияти жамоаси «Ўзулгуржисавдо» акциядорлик компанияси раиси муовини Жуманазар Қурбоновга волидаи муҳтарамаси

**ЗАЙНАБ** онанинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети ректорати ва жамоат ташкилотлари Ахборот технологиялари кафедраси мудири Муҳаммаджон Алиевга опаси

**Расима УБАТОВАнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 456. 33493 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.*

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — А. Ҳайдаров.
Навбатчи — З. Жонибеков.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.30 Топширилди — 22.15 1 2 3 4 5